*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши. № 23 (13.583).
27 ЯНВАРЬ, 1967 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

**УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА**

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

## ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

**Бекобод цемент комбинатида олтинчи айланма печь машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қосим Фармонов амалга ошираётган ишлаб чиқаришнинг илғор методларини унинг кўпгина издошлари қўллаб-қувватламоқдалар. Қ. Фармонов Совет давлатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, печдан фойдаланиш коэффициентини беш процент ва унинг унумдорлигини ўн процент ошириб, шу туфайли улуғ байрамгача пландан ташқари 1 минг тонна клинкер ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.**

**Қурилиш ва саноат бинокорлик материаллари ходимлари касаба союзининг Республика комитети Қосим Фармоновнинг ватанпарварлик ташаббусини маққуллаб, корхонанинг маҳаллий комитетига ва маъмуриятга Қ. Фармонов зиммасига олган юксак мажбуриятларини бажаришида унга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш вазифасини топширди. Бекобод, Оҳангарон, Қувасой ва Андижон цемент комбинатларининг завод комитетларига ана шу муҳим ташаббусни ёйиш таклиф қилинди. (ЎзТАГ).**

## ТЎРТ ҲИССА

**Юбилей йилини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозининг ўртоқ Юсуф Шодиев мудирлик қилаётган бўрдоқичилик фермаси чорвадорлари давлатга 50 центнер ўрнига 200 центнер семиз гўшт топшириб, биринчи квартал планини муддатидан илгари ортиги билан адо этдилар.**

**Ю. УМИРОВ,**
Қашқадарё области.

## МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Наманган разведка пармалаш конторасининг хазинатопар меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига янги социалистик мажбуриятлар олишди. 7 ноябрга қадар ўн бир ойлик қидирув-пармалаш топшириғи бажарилади. Ҳар бир метр қудуқни пармалаш таннархи бир процент камайтирилади. 150 минг киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Пармакашларнинг бугунги ишлари мажбуриятга яраша бўлмоқда. Шербулоқ, Учқўрғон, Хожи Усмон каби майдонларда Ўрта Осиёда биринчи марта чуқурлиги 3800 ва 4200 метр бўладиган қудуқлар қазишга киришилди. Мамат Ўрозов, Олимжон Мирзаахмедов, Абдуллажон Исоқов каби азамат пармакашлар бошлиқ бўлган бригадалар жадал усул билан қудуқ қазиб, уларни 7 ноябрга қадар фойдаланишга топшириш ҳаракат қилмоқдалар. Қисқа вақт ичида 4.5 тонна лойқа эритмаси, 4 та бурги, бир неча тонна цемент тежаб қолинди.

**О. ИСАЕВ.**

# Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг иккинчи Бутуниттифоқ конференциясига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи иккинчи Бутуниттифоқ конференциясининг қатнашчиларини ва бу жамиятларнинг барча аъзоларини қизғин табриклайди. Ана шу жамиятлар совет халқининг чет мамлакатлар халқлари билан дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат муҳим ва олижаноб вазифани амалга оширмоқдалар.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари ташкил топган пайтдан буён оммавий ташкилотларга айланди. Бу жамиятлар совет жамоатчилигининг неча юз мингдаб вакилларини бирлаштириб, Совет Иттифоқида ҳам, чет элларда ҳам обрў ва шуҳратга сазовор бўлдилар.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг хилма-хил фаолияти совет демократиясининг ёрқин ифодаларидан биридир ва совет кишиларининг социалистик мамлакатлар халқлари билан қардошларча муносабатларни мустаҳкамлашга, бутун дунё халқлари билан дўстликни, тараққиёт, тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини қадрлаётган барча кишилар билан дўстликни ривожлантиришга интилаётганликларини акс эттиради.

Дўстлик совет жамиятлари союзининг фаолиятида тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик, социал ва миллий озодлик, демократия ва социализм идеялари бундан буён ҳам ўз ифодасини топиши керак. Шу мақсадда социалистик мамлакатларнинг халқлари билан қардошларча иттифоқ ва жипсликни, ўзларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун, империалистик реакцияга ва унинг агрессив ҳаракатларига қарши курашаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари билан бирдамликни мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам бериш керак. Дўстлик совет жамиятлари союзи капиталистик мамлакатлардаги прогрессив жамоатчилик билан алоқа ва муносабатларни ривожлантира борib, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини амалга оширишга, совет халқининг ер курраси даги барча қитъалар халқлари билан ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам бериши лозим.

Жаҳон жамоатчилиги кенг доираларининг истакларини эътиборга олиб, Совет Иттифоқи тўғрисидаги ҳақиқатни ер юзининг ҳамма қисмига ёйиш, совет халқининг КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги илҳомбахш меҳнати тўғрисида ҳар томонлама ахборот бериш, мамлакатимизнинг Совет ҳокимияти 50 йиллиги мобайнида босиб ўтган йўлининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиб бериш — дўстлик совет жамиятлари союзининг фахрли вазифасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи конференциясининг ишига муваффақият тилайди ва конференциянинг қарорлари союзнинг фаолиятини янада кучайтиради, союзнинг активларини кўпайтиради ва совет кишиларининг чет мамлакатлар халқлари билан дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдиради.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

# ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ

**Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, театр ва кино ходимлари, архитекторлар КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарори муносабати билан Узбекистон адабиёт ва санъати ходимларининг вазифаларини муҳокама қилмоқ учун 26 январда ўз ижодий союзларининг қўшма пленумига тўпланишди.**

**Ижодий союзларнинг раҳбарлари — Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин, Композиторлар союзи правлениесининг раиси А. Х. Жабборов, Рассомлар союзи правлениесининг раиси Р. Аҳмедов, Архитекторлар союзи правлениесининг раиси А. Б. Бобохонов, Кинематографчилар союзи правлениесининг раиси Л. Файзиев, театр жамиятининг раиси О. Хўжаев доклад қилдилар.**

**Докладларни муҳокама қилишда философия фанлари доктори В. Зоҳидов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси И. Юсупов, санъатшунос А. Умаров, Тошкент давлат консерваториясининг ректори Х. Раҳимов, кинорежиссёр Й. Аъзамов, санъатшунос, профессор Л. И. Ремпель, республика маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, шунингдек КПСС Марказий Комитети маданият бўлими секторининг мудири В. Ф. Кухарский, «Литературная газета»нинг бош редактори А. Б. Чаковскийлар қатнашдилар.**

**Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.**

**Муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда улуғ эллик йиллигини муносиб кутиб олиш—ҳар бир ижодиор ходимнинг шарафли ишидир, деб таъкидланади.**

**Пленумнинг ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашдилар. (ЎзТАГ).**

## ҲАМЗА НОМИДАГИ МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

26 январда Тошкентда тантанали вазиятда 1966 йилги ишлар учун Ҳамза Ҳакимзода номидаги республика мукофотларини топшириш маросими ўтказилди. Республика мукофотлари комитетининг раиси Комил Яшин лауреатларга фахрий мукофотларни топширди.

Мукофотлар ёзувчи Абдулла Қаҳҳорга «Ўтмишдан эртаклар» повести учун, «Зулматдан зиё» операсининг автори композитор Рашид Ҳамраевга, «Узбекистон санъати тарихи» монографиясини яратган Г. А. Пугаченкова ва Л. И. Ремпелга топширилди. Лауреатлар орасида Санъат саройи ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биносининг лойиҳасини тузиб, уларни барпо этган архитектор ҳамда инженерларнинг катта бир группаси — В. В. Березин, А. И. Файнлейб, С. М. Сутягин, Д. М. Шуваев, С. Т. Эшонхўжаев, Ю. А. Халдеев, А. А. Асаюв, Д. Г. Антман, А. С. Браславский, Э. Ф. Леннешмидтлар бор.

Мукофотланган лар номидан А. Қаҳҳор ва Г. А. Пугаченковалар ўз ижодий фаолиятларига юксак баҳо берилганлиги учун самимий ташаккур изҳор қилдилар. (ЎзТАГ).

## ЯНА БИР ГИДРОУЗЕЛ

УРГАНЧ. (ЎзТАГ). Тошсоқа каналининг 67-километрида яна бир иншоот—бир секундда 135 кубометр сув ўтказа оладиган сув тақсимловчи иншоот қад кўтарди. Бу иншоот сувни уч йирик каналга тақсим қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

# РЕСПУБЛИКА ДОСААФ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Оммавий мудофаа, спорт ишида, меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда эришилган муваффақиятлар учун ва СССР ДОСААФнинг 40 йиллиги муносабати билан қуйидагилар Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин:

ДОСААФнинг Фарғона область ташкилоти.

ДОСААФнинг Чирчиқ шаҳар ташкилоти, Тошкент области.

ДОСААФнинг Қорақўл район ташкилоти, Бухоро области.

Самарқанд консерва заводидаги ДОСААФ бошланғич ташкилоти.

«Ташкенткабель» заводи ДОСААФ бошланғич ташкилоти, Тошкент шаҳри.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози ДОСААФ бошланғич ташкилоти, Тошкент области.

ДОСААФ республика отишспорт клубининг таълим ташкилоти.

ДОСААФ Тошкент авиация спорт клубининг таълим ташкилоти.

ДОСААФ Самарқанд область радио клубининг таълим ташкилоти.

ДОСААФ Андижон область автомотоклубининг таълим ташкилоти.

**Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.**

**Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.**

1967 йил 26 январь. Тошкент шаҳри.

*Фото лавҳалар*

**Тошкентдаги 1-авторемонт заводи коллективи юбилей йилини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлаш учун кураш мусобақасини авж олдириб юборди. Контролерлардан Ольга Кизимчук ва Элла Попова ўртоқлар юбилей олди мусобақасининг олдинги сафида боришяпти. Уларни юқоридаги суратда кўриб турибсиз. Пастдаги суратда: корхонанинг ёш ишчиларидан Салоҳиддин Рустамов. 11-синфни тамомлаб ишга кирган эди. Ҳозир ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.**

**И. Глауберзон фотолари.**

# САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

## Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ РИМДА БЎЛИШИ

РИМ, 25 январь. ТАСС махсус мухбирлари **А. Красиков** ва **Б. Лукьянов** хабар берадилар:

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний икки кундан буён меҳмон бўлиб турган «Мангу шаҳар» кўчаларида Италиянинг миллий қизил—оқ—яшил байроқлари билан бир қаторда ўрок ва болга сурати туширилган қизил алвонлар шабадада ҳилпираб турибди.

Совет—Италия муносабатлари тарихида Совет давлати бошлиғининг биринчи марта Италияга қилган расмий визити бутун мамлакатда катта қизиқиш туғдирди. Маҳаллий матбуот, радио ва телевидение Н. Р Подгорнийнинг Италияда бўлишини кенг ёритмоқда, бу визит ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга, шубҳасиз, муҳим ҳисса қўшади, деб таъкидламоқда.

Ҳурматли Совет меҳмони номига жуда кўп хат олинмоқда. Бу хатларни ёзган кишилар тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишини кэтгиқ туриб ҳимоя қилаётган совет халқига чинакам дўстлик ва муҳаббат туйғуларини ифода этадилар. Совет Иттифоқининг вакиллари пайдо бўлган ҳамма жойда уларни гоят самимий ва шоду-ҳуррамлик билан кутиб олмоқдалар.

Бугун Италия давлати бошлиғининг резиденцияси бўлган Квириналь саройида Совет—Италия музокаралари бошланди Н. В. Подгорний Италия республикасининг президенти Жузеппе Сарагат билан учрашди ва у билан суҳбатлашди. Бу суҳбат бир соатча давом этди Суҳбатда Италия томонидан Министрлар Советининг раиси Альдо Моро ва ташқи ишлар министри Амминторё Фанфани, Совет томонидан эса, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Шу суҳбатдан олдин Н. В. Подгорний Венеция майдонидаги ватан зиёратгоҳига борди ва бу ерда номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди. Н. В. Подгорний ва унга ҳамроҳ бўлган Италия мудофаа министри Роберто Тремеллони Квириналь саройдан ватан зиёратгоҳига қараб очиқ машинада Рим кўчаларидан ўтганларида Италия пойтахтининг йўлкаларида тўпланган аҳолиси Совет давлати бошлиғини қарсаклар билан табриклади.

Венеция майдонидаги ватан зиёратгоҳи олдида қуролли кучлар барча турларининг вакиллари саф тортдилар. Ҳарбий оркестр Совет Иттифоқи давлат гимнини ижро этди. СССР Олий Совети Президиумининг Раисига Италия мудофаа министри Р. Тремеллони ва Италия қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи генерал Алойя ҳамроҳ бўлиб келишди Н. В. Подгорний зиёратгоҳ зиналаридан номаълум солдат қабрига чиқди ва қабр устига гулчамбар қўйди.

* * *

РИМ, 25 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н В Подгорний бугун Рим шаҳар маъмурларининг резиденцияси—Капитолия борди. Н. В. Подгорнийни Капитоли тепалиги остонасида шаҳар мэри профессор А. Петруччи табриклади.

Сўнгра Ораци залида Н. В. Подгорнийнинг Рим муниципалитети кенгаши аъзолари ҳамда Италия пойтахти жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви бўлди. А. Петруччи СССР Олий Совети Президиумининг Раисига табрик нутқи билан мурожаат қилди. У, совет давлатининг бошлиғига хотира совғаси — Капитоли она бўрисининг нусхасини топширди.

Н. В. Подгорний қизғин, шодиёна кутиб олганликлари учун Рим аҳолиси вакилларига миннатдорчилик билдирди.

* * *

РИМ, 25 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** Италияда давлат визити билан турган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун Италия—Совет парламент комитети вакилларини қабул қилиб улар билан суҳбатлашди.

* * *

РИМ, 25 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** Италия Министрлар Советининг Раиси Альдо Моро Италияда давлат визити билан турган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шарафига бугун нонушта зиёфат берди. Зиёфатда ҳозир бўлганлар орасида Италия Республикасининг Президенти Жузеппе Сарагат, СССР Олий Совети Президиуми Раисига ҳамроҳ бўлиб борган Совет давлат арбоблари, Италия ҳукуматининг аъзолари бор эди.

А. Моро Н. В. Подгорнийни табриклаб, Сизнинг визитингиз кескинлик вазияти ҳамжиҳатлик, тинч-тотув яшаш ва халқаро ҳамкорлик заминини кенгайтиришга қаратилган куч-қувватларни беҳуда қилиб қўйишидан ҳукуматлар ва халқлар ташвиш чекаётган пайтга тўғри келди, деб қайд қилиб ўтди. У, ялпи ва тўла қуролсизланиш соҳасида жиддий тараққиётга эришиш истагини билдирди ва бу тараққиёт Европада ва бутун дунёда хавфсизлик масаласининг ҳал этилишига самарали таъсир кўрсатажак, деб ишонч билдирди. А. Моро космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида яқинда тузилган битимдан Италия ҳукумати чуқур мамнун бўлганлигини билдирди ва Италия шу битимни имзоламоқчи эканлигини айтди.

Моро сўзини давом эттириб, Италия биргаликда куч-ғайрат сарфлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлашга ёрдам беражагини ва Европа қитъасидаги барча мамлакатлар ўртасида янада кенг иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик ўрнатиш истагини билдирди.

У, ўз нутқининг пировардида Италия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, самимий ва самарали ҳамкорлик, СССР ва унинг халқларининг тинч ва порлоқ келажаги учун табрик сўзлари айтди.

Визитимизнинг мақсади, деди Н. В. Подгорний, Совет Иттифоқининг Италия билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривож топтиришга интилишдан иборатдир. У, Президент Сарагат ва Италиянинг бошқа давлат арбоблари билан биринчи суҳбати вақтида бир қанча актуал халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олганлигини айтди.

У айтдики, жаҳонда кескинликнинг юмшаши барча давлатларнинг куч-ғайрат сарфлашларига, уларнинг мана шу ҳаётий муҳим ишга қўшадиган ҳиссаларига боғлиқ.

Н. В. Подгорний Совет — Италия муносабатларига тўхталиб, бу муносабатлар сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалар сингари асосий соҳаларни қамраб олганлигини айтиб ўтди.

Савдо-сотиқни кенгайтиришда, иккала мамлакатнинг фан ва техникадаги баъзи бир муҳим соҳаларда куч-қувватларини бирлаштиришда, деди у, Италия савдосаноат доиралари, бир қанча йирик Италия фирмаларининг Совет Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш имкониятларига реал ёндошувлари каттагина роль ўйнайди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Италия, Франция, Финляндия ва бошқа бир қанча мамлакатлар билан икки томонлама иқтисодий, илмий-техникавий ва савдо алоқаларига катта аҳамият бериш билан биргаликда Совет Иттифоқи жаҳондаги барча мамлакатлар билан шу соҳаларда ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш тарафдори ҳам эканлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра у дедики, Европа мамлакатлари ўзларининг ижтимоий тузумларидаги тафовутларга ва ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос миллий хусусиятларига қарамай, Европа, умуман, фан-техника тараққиёти йўлидан дадил олга ҳаракат қилиши учун барча объектив шарт-шароитлар мавжуд. Давлатларнинг ҳар-томонлама ҳамкорлик қилишларини ривожлантириш, деди у, Европада тинчлик асосларини шак-шубҳасиз мустаҳкамлайди ва бутун дунёдаги вазиятни соғломлаштиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

* * *

РИМ, 26 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний кеча кечқурун Италия республикаси президенти Жузеппе Сарагат шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Италия Министрлар Советининг Раиси Альдо Моро, Италия ташқи ишлар министри Амминторё Фанфани ва Италия ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ҳамда Н. В. Подгорнийга ҳамроҳ бўлиб борган бошқа кишилар бор эдилар.

Зиёфат вақтида Н. В. Подгорний ва Ж. Сарагат нутқ сўзладилар.

Шундан кейин Совет томони қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Италия давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат арбоблари, дипломатия корпусининг аъзолари, Италия, совет ва чет эл журналистлари қатнашдилар.

* * *

РИМ, 26 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** Давлат визити билан Италияга келган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 26 январга ўтар кечаси поездда Римдан Турингa жўнаб кетди. Н. В. Подгорнийга ҳамроҳ бўлиб борган кишилар ҳам у билан бирга Турингa кетдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг мамлакат бўйлаб қиладиган сафари программасига Туриндан ташқари Милан, Венеция Неаполь ва бошқа шаҳарлар ҳам киради.

Н. В. Подгорний 29 январда Римга қайтиб келиши керак.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Советининг раиси Владимир Сергеевич **Митрофанов** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1967 йил 25 январда вафот этди.

Сурхондарё областида Занг канали бош иншоотини қуриш тугалланмоқда. Янги гидроузел Термиз, Жарқўрғон ва Шеробод районларида 30 минг гектардан ортиқ янги ерларни суғориш имконини беради. Чапдаги суратда: канал участкаларидан бири. Ўнгдаги суратда: старший прораб Э. Норқўзиев, бош инженер В. Ли, участка бошлиғи М. Исмоилов ўртоқлар иншоот қурилишини тезлаштириш тадбирларини муҳокама қилишяпти.

**Х. Исроилов** фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИ

# КАТТА ТАЯНЧ

Буюк Ленин партия аъзоси деган номни ҳамиша пок сақлаш, уни улуғлаш лозимлигини уқтирарди. Коммунистик партиямиз доҳий васиятларига амал қилиб, партия сафларининг софлиги, коммунист деган номнинг юксаклиги учун курашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленуми ва КПСС XXIII съездидан кейин бошланғич партия ташкилотлари ҳамда коммунистларнинг ишлаб чиқариш, кишилар тарбияси учун масъулияти янада ошди. Коммунистларнинг маънавий қиёфаси, шахсий намунаси партия ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Нукус шаҳар партия ташкилоти КПСС XXIII съездидан кейин ўз сафидаги коммунистларнинг ташкилотчилик қобилиятини ошириш, ёш коммунистларни тарбиялаш, уларни коммунизм ғояларига содиқ бўлиш руҳида вояга етказиш ҳақида ғамхўрлик қилишни янада кучайтирди. Шаҳримизда ажойиб фидокор, ҳалол, ўз меҳнати билан бошқаларга намуна кўрсатаётган коммунистлар жуда кўп. Бизда нимаики яхши тадбирлар амалга оширилаётган бўлса, муваффақиятларга эришилаётган бўлса, буларнинг ҳаммасида Ленин партиясининг аъзолари — коммунистларнинг ҳиссаси катта.

Шаҳримизнинг илғор корхоналаридан бири — ремонт заводига коммунист Н. Г. Дмитриев раҳбарлик қиляпти. Бир вақтлар бу корхона қолоқлик гирдобига тушиб қолган эди. Ана шунда биз бу коллективга Дмитриевни бошлиқ қилиб юбордик. Дарҳақиқат, у шаҳар партия комитетининг ишончини оқлади. Баъзан ўйлаб қоламан: унинг муваффақиятлари сири нимада экан? Маълум бўлишича, коммунист Дмитриев коллектив аъзоларининг руҳини яхши сезади, уларнинг фикрларини, мулоҳазаларини ҳамиша ҳисобга олиб иш юритади. Энг муҳими, у кишиларга меҳрибон. Бу фазилат партия ва хўжалик раҳбари учун жуда муҳим эмасми, ахир! Қарабсизки, завод тез вақт ичида оёққа туриб олди. Планлар муддатидан илгари бажарилиб, меҳнат унумдорлиги ошди. Маҳсулот сифати яхшиланди. Завод директорининг яна бир муҳим фазилати — кишилар қалбига йўл топа билишдир.

К. Сарибоев, Х. Рибназаров, А. Бобоева, Ф. Хайрқулов, Г. Кураченков, Ж. Дўстанов, С. Бекбулатов каби коммунистларни Нукусда ким танимайди дейсиз. Булар ўзларининг хулқ-атвори билан ҳам, меҳнатдаги фидокорлиги билан ҳам бошқаларга намуна кўрсатишяпти. Айниқса, коммунистнинг меҳнатдаги намунаси жуда катта таъсир кучига эга. Ахир, коммунист ишлаб чиқаришга даставвал шахсий намунаси билан таъсир кўрсатади-да. Бу ўринда 166-қурилиш тресги пардозлаш участкаси бригада бошлиғи Ирина Киселни кўрсатиб ўтиш мумкин. Жуда ажойиб аёл! Ишлаб чарчамайди. Кўп болали бўлишига қарамай, ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат ишларида ҳам актив қатнашади, партия ташкилоти топшириқларини бажонидил бажаради.

Маълумки, коммунистлар ўз партия ташкилотига энг талантли, ташкилотчи, кишиларга меҳрибон коммунистни секретарь қилиб сайлашади. Партия ташкилотига секретарь бўлиш ҳар бир коммунист учун бахт. Лекин коммунист партия ташкилотига секретарь бўлиб сайлангач, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди. Унга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш керак. Бу соҳада албатта юқори партия ташкилотлари етакчи роль ўйнаши лозим. Шаҳар партия комитети шуни кўзда тутиб бошланғич партия ташкилотлари секретарларини тарбиялаш, уларни ленинча раҳбарлик принциплари асосида чиниқтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қиляпти.

Биз коммунист номини покиза сақлаш ҳақида гапирар эканмиз, партияга қабул қилинувчиларга нисбатан талабчанликни ошириш нақадар муҳимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишимиз лозим. Чунки, кишиларни КПСС сафига қабул қилишда талабчанлик қанчалик кучли бўлса, партия ташкилотлари сафи ҳам шу қадар мустаҳкам бўлади. Шу билан бирга ёш коммунистларни тарбиялаш ҳам бошланғич партия ташкилотлари диққат марказида туриши лозим. Биз буни кўзда тутиб, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидат бўлган кишилар учун семинарлар ўтказиб турамиз. Бу семинарларга партиядаги стажи 1-3 йилгача бўлган ўртоқлар иштирок этишади. Бу тадбир ёш коммунистларнинг масъулиятини оширишга, партия аъзоси деган номни ҳамиша улуғ тутишга ўргатмоқда.

Бир мақоланинг ўзида коммунист деган номни улуғлаш учун тинмай меҳнат қилаётган, ишлаб чиқаришда ва оилада юксак намуна кўрсатаётган ҳамма коммунистлар ҳақида гапиришнинг иложи йўқ. Чунки бундайлар бизда юзлаб, минглаб топилади. Лекин орамизда ўзининг Ленин партияси аъзоси эканлигини унутиб қўйётган, коммунист номига доғ тушираётган айрим кишилар ҳам учраб туради. Масалан, 1959 йилдан КПСС аъзоси С. Жуманиёзов қишлоқ хўжалик техникумининг ўқув хўжалигига директорлик қиларди. Лекин у хизмат вазифасини суиистеъмол этиб, давлат мулкига кўз олайтирди. Бу, ахир коммунист учун жиноят эмасми! Шаҳримиздаги «Ресгаз» трестининг ишчиси Д. Серимбетов ҳам номуносиб ҳатти-ҳаракатлар қилди. Коллектив, партия ташкилоти уни нотўғри йўлдан қайтариш учун кўп ҳаракат қилди. Лекин у партия бюроси ва кекса коммунистларнинг фикрини назарга илмади, меҳнат интизомини ва ахлоқ принципларини бузишда давом этаверди. Коммунист номига доғ туширгани учун С. Жуманиёзов ва Д. Серимбетов КПСС сафидан ўчирилди.

Мана шундай кўнгилсиз фактлар ҳақида гап кетганда шуни ҳам айтиш лозимки, бундай фактларнинг содир бўлишига кўпинча партия комитетлари ва партия бюролари, шунингдек партия ташкилоти секретарлари ҳам айбдордирлар. Чунки айрим партия ташкилотларида коммунистларнинг йиғилишлари тез-тез ўтказиб турилмайди, йиғилишларда коммунистларнинг ахлоқи ва шахсий намунаси ҳақидаги масалалар муҳокама қилинмайди. Бунинг устига, коммунистларга топшириқ бериш ва унинг ижросини вақт-вақти билан назорат қилиб туришни унутиб қўйишади. Натижада айрим коммунистлар талабчанлик ва контроль сусайганини сезиб, хато йўлга кириб кетадилар.

Шаҳар партия комитети КПСС XXIII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми қарорларига амал қилиб, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, партия сафларининг софлиги учун курашмоқда. Ҳамма партия ташкилотларида коммунистларнинг йиғилишлари тез-тез бўлиб туриши ва уларда коллектив ҳаётининг энг актуал масалалари муҳокама қилинишига эришяпмиз. Шу билан бирга партия йиғилишларида кўпинча коммунистлар киритган масалалар муҳокама этилиши, йиғилишларда партия аъзоларининг активлиги оширилишига алоҳида эътибор берилияпти. Чунончи, ремонт заводи бошланғич партия ташкилотида коммунистлар ишлаб чиқариш экономикасини юксалтириш, коммунистлар авангардлигини ошириш, коммунистнинг ҳаётдаги ўрни ҳақидаги актуал масалалар қизғин муҳокама қилиняпти. Бу эса ишлаб чиқаришга, кишилар тарбиясига самарали таъсир кўрсатяпти.

Партия йиғилишларида расмиятчилик, қоғозбозлик камайганини шундан ҳам кўриш мумкинки, йиғилиш протоколларида энди «Якунлар ва режалар» деган гапларни деярли учратмайсан, киши. Коммунистларнинг йиғилишларида танқид ва ўз-ўзини танқид тобора кенг ўрин оляпти. Оддий коммунистлар сўзга чиқиб, коллектив ҳаёти, партия ташкилоти фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида куйиниб гапиришади. Шаҳар партия комитети бюроси бошланғич партия ташкилотлари эътиборини ана шу йиғилишларда айтилган таклиф ва мулоҳазаларни ижобий ҳал қилишга қаратди.

Яқин орада биз шаҳар партия комитетининг пленумини ўтказиб, унда партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар билдирган қимматли мулоҳазалар қандай амалга оширилаётганини алоҳида кўриб чиқмоқчимиз. Биз коммунистлар тарбиясида сиёсий агитациянинг роли нақадар зўр эканини ҳисобга олиб, шаҳримиз энг илғор коммунистлари иш тажрибасидан ҳикоя қилувчи махсус варақалар чиқаряпмиз. Бундай варақалардан дастлабкиларида коммунистлардан — «Узэлектромонтаж» бошқармасининг монтажчиси Утегенов, бўёқчи Кисель, фрезерчи Хан Хи-Сен ўртоқлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Шаҳримиз саноат корхоналари, қурилиш ва алоқа ташкилотлари беш йилликнинг иккинчи йилига дадил қадам қўйдилар. Энди ишлаб чиқариш ва кишилар тарбиясидаги муваффақият кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг уюшқоқлигига, коммунистларнинг шахсий намунаси, масъулиятига боғлиқ эканини ҳамма тушунади. Нукус шаҳар партия комитети ҳам ўз фаолиятида бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик қобилиятини янада оширишга ҳаракат қиляпти, коммунистларни Ленин партияси аъзоси деган номни юксак сақлаш руҳида тарбиялайди.

**В. БРОДСКИЙ,**
**Ўзбекистон КП Нукус шаҳар комитетининг секретари.**

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АМАЛДА

# ЮТУҚЛАР КЎПАЯДИ

**Беш йилликнинг биринчи йилини «арафа йили» деб аташимиз мумкин. Чунки 1966 йил иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга пухта тараддуд кўриш, аста-секин янгича ишлашга кўчиш шиори остида ўтди.**

**Мана, коллективимиз планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлай бошлади. Дастлабки кунларданоқ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхши. Кишиларда умумий иш учун жонкуярлик, ташаббускорлик кун сайин ошяпти, ҳар ким ўз постида ҳалол, виждонан меҳнат қилишни, план ва режаларнинг бажарилишига кўпроқ ҳисса қўшишни муҳим бурчи деб билади.**

**Янги системага ўтишга тайёргарлик кўрилган давр — иқтисодий кўрсаткичларни анча яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш даври бўлди. Буни йилнинг якунларида яққол кўриш мумкин.**

**1965 йилда юк ташиш плани тонналар бўйича 92,3 процент, тонна-километрлар бўйича 98 процент бажарилган бўлса, 1966 йилда план тонналар бўйича 114 процент, тонна километрлар бўйича 111 процент уддаланди. Ҳар бир автомобилнинг иш унуми 8,6 процент ошди. Бир йил ичида харажатлар 82,2 минг сўмга камайди, 129 минг сўм соф фойда олинди.**

**Шундай қилиб, планга қўшимча даромад 32 минг сўмни ташкил этди. Жами фойданинг бир проценти, планга қўшимча кўрилган фойданинг 60 проценти иқтисодий рағбатлантириш фондига ажратилди.**

**Рағбатлантириш фонди ҳисобига ишлаб чиқариш илғорлари мукофотланди, санаторийга йўлланмалар берилди, баъзи коммунал-маиший тадбирлар амалга оширилди. Янги системанинг афзаллигини амалда кўрган ишчилар, шоферлар ва инженер-техник ходимлар янада унумлироқ ишлашга отландилар.**

**Қандай қилганда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари янада яхшиланади? Бутун коллектив иштирокида бу масала кенг муҳокама этилди. Автомобиллардан ва автоприцеплардан фойдаланиш коэффициентини ошириш мақсадида ремонт базаси мустаҳкамланди, ремонтчилар икки сменада ишлашга кўчдилар. Шахсий ибрат ва ташаббус кун сайин кенг қулоч ёйди. Мастер С. Ёқубов, пайвандчи Н. Соатов, ишчи А. Орлов, слесарь О.Файзихонов ва бошқалар киритган рационализаторлик таклифларидан анча иқтисодий фойда кўрилди.**

**Эътироф қилишимиз керакки, мавжуд резервлардан ҳали ҳам тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Автомобилларнинг техника тайёргарлиги ва улардан фойдаланиш коэффициенти қониқарли эмас. Айниқса автоприцеплардан ёмон фойдаланилмоқда. Тонна-километрларнинг таннархини арзонлаштириш, автомобилларнинг тўла кувватда юк ташишига эришиш, ремонтни участка-агрегат методида ташкил этиш тадбирларини кўраётирмиз.**

**Область автобазалари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиққан коллективимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олди. Шу кунларда юқори унумдорлик ва тежамкорлик учун социалистик мусобақа қизғин тус олди. Беш йиллик юкларини ташиб беришдаги ютуқларимизни тобора кўпайтирамиз.**

**К. УРОЗМАТОВ,**

**Гурлан районидаги 68- автобаза иқтисодчиси.**

# ПАХТАШУНОС ОЛИМЛАРНИНГ КЕНГАШИ

Пахтачиликни йил сайин ривожлантириб бориш — олимлар, пахта усталари ва умуман ҳамманинг муҳим ишидир. Пахтачилик устида Иттифоқимиздаги кўпгина илмий-текшириш муассасалари, шу жумладан, республикамиз Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ҳам муҳим ишларни олиб боряптилар. Пахта ҳосилдорлигини янада ошириш ва пахтанинг чидамли, тезпишар сортларини яратиш йўлидаги изланишларнинг бири — пахтачиликда микроэлементлар ва стимуляторлардан кенг фойдаланишга ўтиш ҳамда шу йўлдаги ҳозир ўтказилаётган дастлабки синовлардир.

Кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми ва республика қишлоқ хўжалик министрлигининг ташаббуси билан Тошкентда пахташунос олимларнинг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш пахтачиликда янтар кислотасини қўллаш ва унинг дастлабки натижаларига бағишланди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси А. Музаффаров очди.

—Пахтачиликни ривожлантиришдаги муҳим омиллардан бири,—дейди у,—янтар кислотасини қўллашдир. Бу таклифни биринчи марта Ўзбекистон шароитида атоқли олим Андрей Васильевич Благовещенский бошчилигидаги республикамиз олимлари ишлаб чиқдилар. Янтар кислотасидан фойдаланиш фақат пахтачиликдагина фойда бериб қолмай, балки у бошқа ўсимликларнинг ривожланишига ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Биринчи сўз москвалик атоқли олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби А. В. Благовещенскийга берилади. У пахтачиликда янтар кислотасини ишлатишнинг назарий асосларини гапириб беради.

—Янтар кислотаси ўсимликни «уйғотиш» қобилиятига эга,—дейди у.—Натижада ривожланиш жараёнининг энергетикаси кучаяди. Ғўзани тез ривожлантирадиган энергия эса янтар кислотаси молекулалари ичида жойлашган бўлади.

Олим ўз фикрини қизиқарли мисоллар билан шарҳлаб берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар биологияси экспериментал институтининг ходими, биология фанлари кандидати Р. Раҳмонов сўзга чиқиб, янтар кислотасидан фойдаланиш биринчи марта Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда тажриба сифатида ўтказилганлигидан тортиб, унинг ҳозирги келтираётган жуда катта фойдаси ҳақида ахборот берди. Кенгашда қатнашган СоюзНИХИ директори Н. Маннонов ва Тошкент, Фарғона, Андижон, Хоразм, Сирдарё пахтакорларининг вакиллари ҳам пахтачиликдаги бу янги усулининг афзалликлари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов ва бошқа йирик олимларимиз иштирок этдилар.

# «КОСМОС — 139» ПАРВОЗДА

25 январда СССРда ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «космос—139» учирилди.

Йўлдошга ТАССнинг 1962 йил 16 мартда эълон қилган программасига мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. (ТАСС).

САЙЛОВ ОЛДИДАН

# ТАРАДДУД

Тошкент области, Ўрта Чирчиқ районидаги Қорахитой қишлоғига жойлашган агитпункт (мудири ўртоқ Ҳуррият Деҳқонова) шу кунларда одамлар билан гавжум. Қизил бурчак намунали жиҳозланган. Кундалик газета, журналларнинг янги сонлари ўз вақтида олинмоқда.

Агитпунктдаги шахмат-шашкалар ҳам сайловчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Бу ишларни амалга оширишда ўз сафида 45 кишини бирлаштирган агитаторлар коллективининг хизмати катта.

Шу нарса қувончлики, кўпгина агитаторлар ўзларига бириктилган участкаларда сайлов олди агитация-пропаганда ишларини қизитиб юбордилар. Улар ўз сайловчилари орасида тез-тез бўлиб, «Совет сайлов системаси», «Совет демократияси» ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Агитаторлардан А. Жўраев, А. Раҳматов, Т. Ҳамроева, Ҳ. Раҳмонқулова, А. Давронов, С. Исмоилов ва бошқа ўртоқлар бу ишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Агитпунктда яқинда бўладиган ёш сайловчиларнинг йиғилишига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг беш йилликдаги истиқболи ҳақида ҳикоя қилувчи фото-монтаж ва фото-витриналар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

**М. ҚАЮМОВ.**

# ҚИШЛОҚЛАРДА НОН ЗАВОДЛАРИ

Янгийўлдаги «Халқобод» қишлоғида кунига 10 тонна маҳсулот берадиган механизациялашган нон заводи қурила бошланди. Булка ва гижда нон ёпадиган бундай йирик корхоналарни «Ўзбекбирлашув» Шовот районидаги «Ўзбекистон» колхозида, Ҳазорасп районидаги «Правда» колхозида ва бошқа хўжаликларда ҳам қурмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон қишлоқларида элликдан ортиқ механизациялашган новвойхоналар ишлаб турибди. (ЎзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ФАНИМИЗ

**О. СОДИҚОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси.**

Ўзбек халқининг ўзига хос юксак моддий ва маънавий маданияти қадим замонлардан бошланган. Ўзбек халқи Шарқ ва жаҳон халқлари маданиятини ривожлантиришга асрлар давомида ўз ҳиссасини қўшиб келди, қийин шароитларда ирригация иншоотларини яратди, турли хил экинларни парвариш қилди, қурилиш, кулолчилик санъатини ва ҳунармандчиликнинг бошқа турларини ривожлантирди.

Ўрта Осиёнинг илғор мутафаккирлари ва атоқли олимларининг асарлари инсониятга кўпдан маълум. Бу олимларнинг номи фақат Шарқ халқлари орасидагина эмас, шу билан бирга Ғарб халқларининг орасида ҳам чуқур эҳтиром билан тилга олинади.

IX асрда яшаган машҳур математик ва астроном Фарғоний жаҳон маданияти ва тараққиётига ғоят катта ҳисса қўшди. Бу буюк сиймо лотин адабиётида Альфраганус деб ном олган. Унинг «Астрономия асослари» номли нодир асари ўша замондаги астрономия билимларининг ўзига хос энциклопедияси бўлган.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ҳам ўша даврнинг энг йирик олимларидан бири бўлиб, унинг алгебра трактати бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб математикларининг энг муҳим дастури бўлиб келди.

Шарқнинг буюк олими, энциклопедисти Абу Райҳон Беруний XI асрда яшади ва меҳнат қилди. Бу йирик олим юздан кўпроқ асар ёзди. Унинг бу асарлари астрономия, математика, минерология, география, тарих, лингвистика ва шу каби энг хилма-хил билим соҳаларига бағишланди.

Буюк олим Абу Али ибн Сино (Авицена) Берунийнинг замондоши бўлиб, жаҳон медицина фанини ривожлантиришга жуда катта таъсир ўтказди. Унинг «Табобат қонуни» деб аталган машҳур асари алоҳида диққатга сазовор. Зотан унинг шуҳратини бутун жаҳонга ёйган ҳам ана шу асари эди.

Самарқанддаги астрономия обсерваториясининг ва астрономия мактабининг асосчиси Улуғбек XV асрда фан ва маданиятни ривожлантиришга бирталай ҳисса қўшди.

Алишер Навоийнинг (1441—1501 йиллар) сиғант сиймоси XV асрдаги шоир ва мутафаккирлар орасида алоҳида ажралиб туради. Ўзбек адабиётининг буюк классиги бўлмиш Навоий жаҳон маданияти тарихида энг шарафли ўринлардан бирини эгаллайди. Шоирнинг ғоят катта адабий мероси унинг ижодий ҳаваслари кенг миқёс олганлигидан, бениҳоя истеъдодли ва меҳнатсевар эканлигидан далолат беради. Навоийнинг 30 дан кўпроқ йирик ажойиб шеърий ва прозаик асарлари маълум бўлиб, уларда ўша замоннинг илғор ғоялари ўз ифодасини топди.

Ўзбек халқининг фан ва маданиятига ўтмишда ғоят катта ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик атоқли олимлар ва мутафаккирларнинг номидан ҳикоя қилувчи тўлиқ бўлмаган рўйхат ана шулардан иборат.

Ўтмишда, айниқса XV асрда ўзбек халқининг тасвирий ва архитектура санъати ғоят юксак даражага кўтарилди. Самарқанд, Бухоро, Хивада ҳозиргача сақланиб қолган жуда кўплаб архитектура обидалари ўзбек халқи бу соҳада эришган жуда катта муваффақиятлардан далолат беради, бу анъаналар бизнинг давримизда янада ривож топди.

Бироқ ўтмиш олимлари, мутафаккирлари, ёзувчилари, меъморлари ва санъат усталарининг буюк ижоди гарчи ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилган бўлса ҳам эксплуататор синфлар томонидан ўзлаштириб олинди, кенг халқ оммаси эса қулликда ва муҳтожликда қолаверди. Амирлар, хонлар, феодал хоқонлар чексиз ҳокимиятдан фойдаландилар. Улар мусулмон руҳонийларининг ёрдамида ишлаб чиқарувчи кучлар ва маданиятнинг ривожланишини бўғиб ташладилар. Ўзаро тўхтовсиз низолар ҳеч қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлмаган меҳнаткашлар оммасининг аслида мушкул ҳаётини тағин ҳам ёмонлаштирди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ғоят катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиёда саноатнинг баъзи тармоқлари ривожлана бошлади. Бунинг натижасида Ўрта Осиёда яшовчи ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқлар—улуғ рус халқи билан, унинг дунёда энг революцион ишчилар синфи билан бевосита ёндош ва жондош бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Россия халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётида ҳам тубли бурилишлар рўёбга чиқарди. 1924 йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлиги республика маданияти, экономикаси ва меҳнаткашлар ижодий кучларининг тез суръатлар билан ривожланиши учун янги ва жуда катта имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларданоқ ишлаб турган илмий-тадқиқот муассасалари, лабораториялар, илмий станциялар кенгаяб бошлади. Тошкентда 20-йилларда барпо этилган Давлат университети (ҳозирги вақтда эса В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети). Ўзбекистонда совет фанининг асосчиси бўлиб қолди. Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда, илмий кадрлар тайёрлашда партиямиз ва совет ҳукумати жуда катта ёрдам кўрсатдилар. Чунончи, Совет ҳокимияти қарор топган дастлабки йилларда В. И. Лениннинг йўлланмаси билан Тошкентга доимий ишлаш учун Россия илмий марказларидан 86 профессор ва ўқитувчи етиб келди. Бу ерга материал, жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда 20.000 китоб ортилган 65 та вагон жўнатилди.

Социалистик қурилиш кенг авж олдирилган йилларда мутахассислар, шу жумладан илмий ходимлар тайёрлаш кенг миқёсда олиб борилди. 1933—1934 йилларда Ўзбекистонда 27 та олий ўқув юрти бўлиб, 10865 студент ўқитилди. Ваҳолонки, 1927—1928 йилларда 3 тагина олий ўқув юрти бўлиб, 3876 студент ўқитилган эди.

□ □

Янги илмий муассасалар, шу жумладан Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ) ташкил этилади, бу институт пахтачилик ва селекция-уруғчилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини бирлаштиради.

Илмий-тадқиқот муассасалари шохобчасининг ўсиши уларнинг фаолиятини бир-бирига мослаштиришни талаб қилди. Шу муносабат билан 1932 йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг Президиуми республика Фанлар Комитетини тузди ва уни 1934 йил 1 июлидан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қарамоғига ўтказди. Координациялаш марказининг вужудга келиши билан илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш тартибга солинди ва бу тадбир ишлаб чиқилаётган проблемаларнинг тематикасига анча актуал хусусият бахш этди.

Халқ хўжалиги манфаатлари илмий ишларни ташкил этишнинг янги формаларини талаб қилди. Бу формалар эса бутун мамлакат олимлари ўтказаётган тадқиқотларнинг СССР Фанлар академияси раҳбарлигида ўзаро боғланишини таъмин этмоғи керак эди. Шунинг учун ҳам республикадаги кўпгина илмий муассасаларнинг фаолиятини бирлаштириб келган Фанлар комитети 1940 йилнинг 9 январида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) этиб қайта тузилди.

1943 йилнинг 4 ноябрида Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тантанали очилганлиги совет фанини ривожлантириш тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатиб келаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Уруш вақтидаги қийинчиликлар ҳам ана шундай шонли воқеанинг юз беришига ҳалал етказолмади. Республика Фанлар академияси тузилиши комплекс илмий ва халқ хўжалик проблемаларини қўйиш ва ҳал этишга ўтиш учун имкон берди, бу эса фанни ривожлантиришда янги, янада юксакроқ босқич бошланганлигини билдирар эди.

Урушдан кейин Ўзбекистонда фаннинг гуркираб ўсиши республика Фанлар академиясининг ривожланиши мисолида айниқса яққол кўзга ташланади. Академия ташкил топган вақтга — 1943 йилга келиб, у бор-йўғи ўнта илмий муассасани бирлаштирган. Ўша вақтда академия составида 11 академик ва корреспондент-аъзо бўлган, унинг муассасаларида 210 илмий ходим, шу жумладан 28 фан доктори ва 48 фан кандидати ишлаган бўлса, эндиликда фанлар академияси ўттизга яқин илмий-тадқиқот институтларини бирлаштиради. Академия ходимлари 6 мингдан кўпроқ кишини, шу жумладан илмий ходимлар 2,5 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади, шулардан 100 га яқин фан доктори ва 800 дан кўпроқ фан кандидати бор. Ана шу олимлар армиясининг ижодий фаолиятига билимларнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган 45 академик, 44 корреспондент-аъзо раҳбарлик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда умуман республикада 147 та илмий муассаса, 35 та олий ўқув юрти ва 16 мингдан кўпроқ илмий ходим бўлиб, улар орасида 3 мингдан кўпроқ фан доктори ва кандидати мавжуддир. Ўзбекистон олимларининг 80 процентдан кўпроғи маҳаллий миллатлар — ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа миллат вакилларидир.

Фан докторлари ва кандидатлари орасида мингдан ортиқ хотин-қизлар бор. Ўзбекистонда революцияга қадар хотин-қизларнинг аҳволи оғир ва ночор бўлганлигини назарда тутганда бу рақам жуда ҳам диққатга сазовордир.

# ЮЗ МИНГИНЧИ ТРАКТОР

Ўтган куни Тошкентдаги трактор йиғув заводида катта тантана бўлди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар анча вақтгача Николай Волков сменаси коллективининг ишини зўр қизиқиш билан кузатиб турдилар. Конвейерда ишлаётган йиғувчи слесарлардан И. Ёқубов, И. Шиллер, М. Цанакаев ўртоқларни барча табриклади. Бунинг сабаби бор эди. Улар заводда ишлаб чиқарилаётган юз мингинчи тракторни тайёрлашда қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Ҳа, юбилей йилида корхона коллективи илк зафарга эришди: қишлоқ хўжалигимиз учун юз мингинчи тракторни ишлаб чиқарди. Бу ерда Владимир тракторсозлик заводида тайёрланган машиналар пахтачиликка мослаштирилади. Бир неча йилдан буён икки корхона меҳнат аҳли ҳамкорлик қилиб келяпти. Шу кеча-кундузда Тошкент машинасозлари «Т-28 Х 3» маркали мукаммал машинани кўплаб ишлаб чиқармоқдалар. Бу тракторларга чигит экиш сеялкалари, культиватор, пуркагич аппаратлар, териш агрегатлари ва пахтачиликка оид бўлган бошқа машиналар комплексини тиркаб ишлатиш мумкин.

Заводда маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб боряпти. 1960 йилдан буён маҳсулот тайёрлаш ҳажми 3,5 баравар ортди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда машинасозлар камида 20 мингдан ортиқ тракторни пахтакор хўжаликлар далаларига тайёрлаб жўнатиш учун мусобақани кучайтириб юбордилар. Мана шу мажбурият ҳисобидан планга қўшимча равишда дастлабки машиналар ишлаб чиқарилди. Корхонада юз мингинчи машина тайёрланганлигидан иборат катта меҳнат зафарини машинасозлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейига илк совға деб билмоқдалар.

Заводнинг беш йилликнинг иккинчи йилидаги истиқболи яна ҳам порлоқ.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# УЛУҒ ШОИР ВА МУТАФАККИР ХОТИРАСИГА

Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллигини ўтказиш республика комитетининг навбатдаги мажлиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида ўтди. Комитет улуғ шоир ва мутафаккир юбилейини ўтказиш билан боғлиқ бир қанча масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов Алишер Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан кўриладиган асосий тадбирлар ҳақида ахборот берди. Жамоатчиликнинг шоир юбилейига бағишланган тантанали йиғилишини шу йил сентябрда ўтказиш белгиланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тошкентда, шунингдек республиканинг бир қанча олий ўқув юртларида, илмий сессиялар ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон ижодий союзлари ўзларининг бирлашган пленумларини Алишер Навоий ижодига бағишлайдилар. Энг яхши илмий асарлар учун Алишер Навоий номидаги мукофотлар, шунингдек олий ўқув юртларида шоир номидаги стипендиялар таъсис этилади.

Республика театрлари А. Навоий асарлари асосида ишланган спектаклларни яна кўрсата бошлайди. Кенг экранли «Фарҳод ва Ширин» рангли фильми чиқарилади. Улуғ шоирга бағишланган ҳужжатли рангли илмий оммабоп фильмлар тайёрланмоқда.

Юбилей комитети Тошкент билан Самарқандда Алишер Навоий ҳайкалларини ўрнатиш таклифини киритди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов Тошкентда Алишер Навоий музейи очилажаги тўғрисида хабар берди.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг раиси К. Н. Яшин ва филология фанлари доктори А. П. Қаюмов Алишер Навоийнинг рус тилида 10 томли асарлари тўпламини чиқаришга тайёрланаётганлиги тўғрисида юбилей комитетига хабар бердилар. Мазкур нашрнинг таҳрир ҳайати тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори Қ. Х. Хоназаров Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий текстлари ҳамда Навоий ижодиёти ҳақидаги илмий асарлар нашр этишга тайёрланаётганлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов Ўзбекистоннинг бир группа илмий ходимлари Алишер Навоий меросини ўрганиш мақсадида Афғонистонга қилган сафарларининг якунлари тўғрисида гапириб берди.

(ЎзТАГ).

# Владимир Сергеевич МИТРОФАНОВ

Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, республика Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси, 1944 йилдан КПСС аъзоси Владимир Сергеевич Митрофанов ижодий кучлари барқ уриб турган бир вақтда узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1967 йил 25 январда вафот этди.

Ажойиб инсон, хормас-толмас меҳнаткаш, ҳалол ва принципиал коммунистни шафқатсиз ўлим сафимиздан олиб кетди.

В. С. Митрофанов 1918 йилда туғилди. Ўз меҳнат фаолиятини 1935 йилда старший пионер вожатийликдан бошлади, сўнгра комсомол ишларида бўлди. 1942 йилда комсомол йўлланмаси билан ҳарбий мактабга юборилди, шу мактаб составида Ватан уруши фронтларида олиб борилган жангларда қатнашиб, ярадор бўлди.

В. С. Митрофанов 1943 йилдан буён муттасил физкультура раҳбарлик ишида бўлди. Боку шаҳар физкультура ва спорт комитетига раис, Озарбайжон ССР Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раисига ўринбосар бўлди, 1960 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси бўлиб ишлади.

В. С. Митрофанов ўзининг бутун онгли ҳаётини мамлакатимиз ва республикамизда физкультура ва спортни ривожлантиришга, ёшларни тарбиялашга бағишлади. У катта ташкилотчилик қобилиятига ва раҳбарнинг ажойиб фазилатларига эга эди. Владимир Сергеевич меҳнатсеварлиги, камтарлиги, кишиларга нисбатан сезгир ва меҳрибонлиги туфайли бутун республика активининг ва кенг физкультурачилар жамоатчилигининг ҳурмати ҳамда меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

В. С. Митрофанов Ўзбекистон Компартиясининг XVI ва XVII съездларида Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди. У Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар ва Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон ССР Олий Советн Президиумларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Содиқ дўстимиз, ажойиб ўртоғимиз Владимир Сергеевич Митрофановнинг порлоқ сиймоси қалбимизда доим сақланади.

**Ш. Рашидов, Ё. Насриддинова, Р. Қурбонов, И. Анисимкин, В. Ломоносов, Н. Ляшченко, Н. Матчонов, М. Мусахонов, Р. Нишонов, М. Абдураззоқов, С. Расулов, М. Турсунов, С. Азимов, Г. Габриельянц, М. Мирзааҳмедов, И. Марцинюк, С. Зиёдуллаев, А. Хўжаев, А. Абдалин, Р. Сахибоев, М. Зоидов, Р. Абдуллаева, Х. Асомов, Ю. Машин, Л. Никонов, Я. Зокиров, А. Завьялов, Б. Красников, Э. Аминов, Ф. Шокиров, В. Сохацкий, Ю. Егоров, Б. Абдураимов, С. Диамидов, Р. Салимова.**

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Оммавий мудофаа ишида актив қатнашганликлари учун ва СССР Армия, Авиация ва Флотига ёрдам берувчи кўнгилли жамиятнинг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, армия, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамиятнинг фаол ходимлари ва активларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик самарали фаолияти учун ва туғилган кунига 70 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи-пенсионер Анастасия Ильинична **Авдеева** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан ёзувчи ва адабиётшунос Маҳмуд **Рашидов** (Ўткир Рашид) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти учун ва туғилган кунига 70 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети рус тилшунослиги кафедрасининг мудири профессор Григорий Иванович **Коляда** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Самарали илмий ва ижтимоий фаолияти учун, экономист илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг старший илмий ходими Николай Павлович **Мунько** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

# ТАРАДДУД

**Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармонияси ва эстрада театри ташкил топганига яқинда 30 йил тўлади. Бу улкан санъат даргоҳида қанча-қанча санъат усталари тарбияланиб, вояга етди. Ажойиб санъатлари билан халқимиз қалбини мафтун этган моҳир санъаткорлар — Абдиқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Жўрахон Султонов, Муҳитдин қори Ёқубов, Тамарахоним, Маъмуржон Узоқов, Тўхтасин Жалиловлар ҳам худди ана шу саҳнада камол топиб, томошабинлар қалбини забт этганлар.**

**Ҳозир юбилейни нишонлашга ҳозирлик кўрилаётир. Концерт бригадаларига бириктирилган лекторлар филармония босиб ўтган ижодий йўл ҳақида лекциялар ўқийдилар, филармония ва эстрада театри залларида кўргазмалар ташкил этилади, санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилади.**

**Н. ИНОҚОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

26 январда Тошкентда еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисни комиссия раиси М. А. Зоидов очди.

Республика Олий Совети Президиумининг Секретари Р. Сахибоев комиссияни сайлов кампаниясининг бориши билан таништирди. Р. Сахибоев айтдики, Совет давлатининг эллик йиллиги арафасида сайлов олдидан кўрилаётган тайёргарлик шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ҳамда меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир шароитда ўтмоқда. Республикада сайлов кунини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда.

Кампаниянинг биринчи босқичлари — сайлов округларини тузиш, бир қанча сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатиш ва уларни тасдиқлаш ишлари белгиланган муддатларда тугалланди. Маълумки, 12 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари билан бир қаторда, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутатлари ва маҳаллий Советларнинг депутатлари ҳам сайланади. Маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи 78.576 сайлов округи, яъни аввалги сайлов кампаниясидагига нисбатан 3.427 та кўпроқ сайлов округи тузилди. Республика аҳолиси сонининг ўсиши, халқ хўжалигини янада ривожлантириш натижасида республикадаги маъмурий бўлинишда рўй берган ўзгаришлар округлар сонининг кўпайтирилишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советларига, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатилмоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари сайлов участкаларининг чегараларини аниқлаш, участка комиссияларининг биноларини жиҳозлаш, уларни зарур алоқа воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ишларни кучайтириб юбордилар.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов бўйича сайлов бюллетени формасини тасдиқлади. Бюллетень оқ рангда бўлиб, унинг ҳажми 186х132 миллиметрдир. Округ сайлов комиссиясининг депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги протоколи, участка ва округ сайлов комиссияларининг овоз бериш ҳақидаги протоколлари формалари, республика Олий Советига депутат қилиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳнома формаси белгиланди. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари печатларининг нусхалари ҳам тасдиқланди.

Комиссия аъзоларининг навбатчилик қилиш вақти, комиссиянинг бундан кейинги иш плани белгиланди. Марказий сайлов комиссиясининг иш жойи белгиланди. (ЎзТАГ).

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг адреси қуйидагича: Тошкент, Хоразм кўчаси, 7-уй, телефон В-32-770.

Телеграммалар учун адрес: Тошкент, Марказий сайлов комиссияси (Центризбирком).

# РАЙПИЁН

ҲАЖВИЯ

Билолиддин Билолович райплан раиси бўлиб тайинланди-ю, оғайниларн ҳазиллашиб, унинг исмига «рай» қўшишиб, Рай-Билол деб атай бошлашди. Бу гап унга жуда хуш ёқарди. Ахир, Рай-Билол дейишлари унинг номини районда битта дейишдек гап эмасми?! Бу сўз унинг қулоғига худди «Билолиддин райоининг яккаю ягонаси» дегандек туюларди.

Рай-Билолнинг ишлари юришгандан юришиб кетди. Мансаб деган мана бундай бўпти-да! Йўқловчиси кўпайгандан кўпайди. Чунки, районда шахсий уй қурадиган хўжаликларга сотиладиган қурилиш материалларидан торттиб, давлат қарзларини сўраб илтимос қилувчиларга жавоб айтадиган ягона киши шу Рай-Билол бўлиб қолди. Бу ишларни райижроком унга юклаган эмиш. Ҳатто, район маҳаллий саноатида ишлаб чиқарилаётган коса-товоқ, тандирларни ҳам аҳолига пуллаш унга топширилди. Унинг ўзи бу лавозимдан воз кечмаганда, балки унинг номи Райкулол бўлиб кетармиди...

Районда ким кўп, шахсий уй қурувчилар кўп. Ҳар куни шифер, ёғоч сўраб, қарз пулларни тақсимлаш рўйхатига киритиб қўйишни илтимос қилиб унинг олдига келувчиларнинг кети узилмайди...

Келувчиларнинг баъзилари одамни хурсанд қиладиган бу рўйхатга ёзилиш шарафига муяссар бўладилар ҳам. «Иши битган»лар:

— Яшавор Рай-Билол, мартабанг бундан ҳам ошиб, Обл-Билол бўлиб кет-э, — дейишиб, алқаб чиқиб кетишади.

Баъзиларга эса, у кўполроқ муомала қилади шекилли, одамларнинг унинг олдидан ҳафсаласи пир бўлиб, ғудраниб чиқиб кетаётганига дуч келасиз:

— Эй, биз бу болани Рай-Билол деб юрсак, у бу номга арзимас экан. Унинг гапини қаранг-а? «Сизга бу йил шифер тегмайди. Хоҳлаган ерингизга арз қилинг, катта кўча!» эмиш. Э, саткан Рай-Билол номи кетсин сенга, хайф-э!

— Ҳэ, отахон, унинг феълини билмабсиз, — сўкиниб кетаётганларнинг йўлини тўсиб насиҳат қилишади.—Рай-Билолни ароқ билан кўнглини олсангиз вассалом, ошиғингиз олчи.

— Э.. шундақами? — таажжубда бош қашийди «иши битмаган» киши.

Бир оздан сўнг Рай-Билолни кўчада «қийшайиб» кетаётгани ва унинг кетидан бир-икки арздодчи «Бизнинг ишимиз нима бўлди» лаб кисталанг қилаётганига кўзингиз тушади. Рай-Билолнинг эса, уларга қош кериб, кўз сузиб, таманно билан, тили айланмай ваъда қилаётгани қулоғингизга чалинади:

— Б-Бугунча иш-шимиз битди! Энди эр-ртага к..келинглар. Бирр пастда тўғррилаб бер-ррамаи!

... Шундай қилиб, ойлар, йиллар ўтди.

Энди уни Билолиддин ҳам, Райбилоғон ҳам деб аташмайди. Энди у Райпиён бўлиб қолган эди.

**Т. АЗИЗОВ.**

Фарғона.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

**Владимир Сергеевич Митрофанов** дафнини уюштириш учун А. З. Завьялов (раис), Я. Т. Зокиров, Х. А. Асомов, Б. А. Красников, Э. А. Аминовлардан иборат **ҳукумат комиссияси** тузилсин.

# В. С. МИТРОФАНОВНИ ДАФН ЭТИШНИ УЮШТИРУВЧИ КОМИССИЯДАН

Комиссия маълум қилади:и, Владимир Сергеевич **Митрофанов**нинг жасади солинган тобут «Ёшлик» спорт залига («Пахтакор» стадиони) қўйилади. Видолашув учун шу йил 27 январь соат 13—30 минутдан соат 16-30 минутгача кириш мумкин. В. С. Митрофанов Боткин кўчасидаги қабристонда дафн этилади.

**Суратда: Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасида палослар тўқиш пайти. Корхона коллективи хилма-хил палослар, гилам дўппиларни кўплаб ишлаб чиқармоқда.**

А. Горокрин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# РАВНАҚИ

Республикада фаннинг ҳозирги аҳволи билан унинг революциядан аввалги аҳволини солиштирган вақтда совет кишисининг қалби ўз Улуғ Ватани билан қонуний фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлиб тошади. Совет Ўзбекистони фани қўлга киритилган барча муваффақиятлар учун социалистик тузумдан миннатдор. Социалистик тузум нисбатан қисқа вақт ичида республикамиз халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда мисли кўрилмаган тараққиётга эришувини таъмин этди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига академия бошчилик қилмоқда. Академиянинг фаолияти республикамизда фаннинг барча тармоқларининг аҳволини маълум даражада характерлаб берувчи кўрсаткичдир.

Фанлар академиясининг фаолияти ҳозирги вақтда физика, айниқса ядро физикаси, электроника, математика, шу жумладан ҳисоблаш математикаси ва техникасини, химия, биология, биохимия, биофизика ва микробиология, геология ва шулар каби асосий фанларни ривожлантиришга қаратилган. Ижтимоий фанлар—экономика, тарих, археология, фалсафа ва ҳуқуқ, тилшунослик ва адабиёт, шарқшунослик янада ривож топди.

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, академиянинг табиёт фанлари ва ижтимоий фанлар соҳасида олиб бораётган илмий фаолияти республика экономикаси ва маданиятининг хусусиятлари билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси муассасалари олиб бораётган кўпгина тадқиқотлар пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш, газ саноатини, рангли металлургияни ва халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқларини ривожлантириш билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир.

Шуни ҳам айтиш қувончлики, ҳозирги вақтда республика олимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Республиканинг илмий муассасалари ва олий ўқув юртлари ана шу мақсадга бағишланган бир қанча муҳим тадқиқотларни тугаллаётирлар. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти шу саналарга бағишлаб илмий асарлар нашр этмоқда. Олимлар Совет давлатининг 50 йиллигига аталган илмий сессиялар, конференциялар ва кенгашларни ўтказишга пухта тайёрланмоқдалар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг кўпгина олимлари мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам эътироф қилинган мактабларни барпо этдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси С. Юнусов ва унинг шогирдларининг алкалоидлар флорасини аниқлаш ва алкалоидларни қидириб топиш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳамма томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг марҳум академиги В. Романовский эҳтимоллик ва математика статистикаси назариясининг Тошкент мактабини барпо этди. Бу мактаб жамоатчиликка кенг танилди. Бу мактабни академикнинг шогирдлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари Т. Саримсоқов, Т. Сирожиддиновлар муваффақиятли ривожлантиришяпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари С. Стародубцев, У. Орипов, С. Азимов ва бошқа олимларнинг номи билан боғлиқ бўлган ядро физикаси ва электроникаси соҳасидаги назарий тадқиқотлар тобора кўпроқ танилмоқда ва катта аҳамият касб этмоқда.

Тошкент — геология фанининг баъзи тармоқларини, чунончи, петролого-металлогик йўналиши бўйича ривожлантиришнинг етакчи марказларидан бири бўлиб қолди. Фаннинг бу йўналишига СССР Фанлар академиясининг марҳум корреспондент-аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Абдуллаев бошчилик қилди ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзолари — Ленин мукофоти лауреати И. Ҳамробоев, И. Исамуҳамедов, К. Боймуҳамедов ва бошқа олимлар куч-ғайрати билан ривожлантирилмоқда.

Кейинги йилларда республикада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ё. Тўрақулов раҳбарлигида ўтказилаётган биохимия тадқиқотларини ривожлантиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. 1964 йилда Ё. Тўрақулов ва медицина фанлари доктори Р. Исломбеков териоид патологияси ва радиоид терапияси вақтида нормадаги буқоқ безларини биохимик ва клиника-морфологик жиҳатдан тадқиқ қилганликлари учун Ленин мукофоти олишга сазовор бўлдилар. Уларнинг асарлари буқоқ бези касаллигига қарши муваффақиятли кураш олиб боришга имкон берадиган энг қимматли ҳиссадир.

Химия соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари М. Набиев, Х. Усмонов ва бошқа олимларнинг, физика-математика фанлари соҳасида — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси корреспондент-аъзолари В. Губин, И. Аржаных, техника фанлари соҳасида—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиклари А. А. Уклонский, А. Аҳромхўжаев, В. Попов ва бошқа олимларнинг, биология фанлари соҳасида — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиклари А. Музаффаров, К. Зокиров, М. Муҳаммаджонов, А. Юнусов, Т. Зоҳидов, ижтимоий фанлар соҳасида — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиклари — И. Мўминов, Я. Ғуломов, В. Зоҳидов ва бошқа кўпгина олимларнинг илмий асарлари жуда катта қимматга эгадир.

Республикадаги олимлардан 24 кишига Ленин мукофоти ва давлат мукофоти лауреатлари унвони берилганлигини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўтказган илмий тадқиқотларнинг аҳамиятига берилган катта баҳо дейиш мумкин.

Республика Фанлар академияси олимлари олиб борган тадқиқотларнинг натижалари Ўзбекистонда экономика ва маданиятни тезроқ юксалтиришга ёрдам бермоқда. Академия олимлари сўнгги беш йил мобайнида халк хўжалигининг турли тармоқларига амалда фойдаланиш учун 200 дан кўпроқ ҳал қилинган тавсияларни топширишди. Бу тавсияларнинг жорий этилишидан келадиган иқтисодий самара неча ўн миллион сўмни ташкил этади.

Республика Фанлар академияси фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири — академия нашр қилаётган илмий асарларнинг савиясидир. Кейинги икки йил ичида «Фан» нашриёти олимларимиз тайёрлаган салкам 150 та йирик монографияни нашр этди. Шу вақт ичида юқорида айтиб ўтилган монографиялардан ташқари, 500 дан кўпроқ номда турли асарлар чиқарилди. Уларнинг умумий ҳажми 4200 босма лист бўлиб, тиражи қарийб 5 миллион нусхани ташкил этади.

Олимларимизнинг эришган илмий муваффақиятлари уларни фақат Бутуниттифоқдагина эмас, шу билан бирга жаҳон майдонига ҳам олиб чиқди. Ҳозирги вақтда Европадаги деярли барча ва Осиёдаги баъзи мамлакатлар бизнинг илмий журналларимизни ўз илмий муассасалари ва кутубхоналари учун олиб турибди.

Бизнинг нашрларимизни, шу жумладан Ўзбекистонда тил, адабиёт, табиёт ва моддий маданият нашрларини олишга катта қизиқиш билан қараётган энг йирик илмий ташкилотлар орасида Британия музейи, АҚШ конгресси кутубхонаси, Оксфорд, Гарвад университетлари ва бошқа университетлар бор.

Ўзбекистон олимлари АҚШда, Японияда, Англияда, Чехословакияда, Ҳиндистонда, Францияда ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ўтказиладиган конгрессларда, конференцияларда, симпозиумларда актив қатнашадиган бўлиб қолдилар. Фақат 1965 йилнинг ўзида олимлардан 35 киши чет эл конгресс ва симпозиумларида бўлишди, юздан ортиқ чет эл олимлари бизга меҳмон бўлиб келиб кетишди.

Маълумки, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш каби муҳим ишга эътибор бермаганимизда бундай муваффақиятларга эриша олмаган бўлар эдик. Чунки, тадқиқотларнинг савияси ва натижалари илмий муассасаларнинг етарли даражада илмий тайёргарлиги бўлган кадрлар билан тўла-тўкис таъминланишига бевосита боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан равшан. Шу сабабли илмий кадрлар тайёрлаш вазифаси бундан кейин ҳам Академиянинг диққат марказида бўлади.

Шу нарса қувонарлики, 1962—1966 йиллар мобайнида Академияда 45 фан доктори ва 600 дан кўпроқ фан кандидати тайёрланди. Ҳозирги вақтда аспирантурада 850 киши ўқимоқда. СССР Фанлар академияси ва қардош республикаларнинг Фанлар академиялари илмий кадрлар тайёрлашда республикамиз Академиясига жуда катта ёрдам бермоқдалар. Айтиб ўтилган аспирантлардан 130 киши билимларнинг янги соҳаларини Москвада, Ленинградда, Киевда, Минскда ва мамлакатнинг бошқа марказий шаҳарларида ўрганишмоқда.

Совет Ўзбекистони олимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини яхши тушунадилар. Улар ўз кучларига ишонадилар. Бизнинг республикамиз илмий талантларга бой бўлиб қолди. Биз шунга аминмизки, Совет Иттифоқининг барча олимлари каби Академиямиз олимлари ҳам илмий тадқиқотларнинг даражаси ва натижалари ҳозирги даврда фанимиз олдида турган ва тобора ўсиб бораётган вазифаларга тамомила мос бўлиб тушиши учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарф этадилар. Улар партия ва совет халқининг юксак ишончини оқлаш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.



Тошкент шаҳар ижроия комитети Манзарали боғдорчилик совхозининг коллективи баҳорга кўплаб гул кўчатлари тайёрламоқдалар. Суратда: совхоз теплицаларидан бирида ўстирилаётган гуллар парвариш қилинмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

# ОВЧИНИНГ МУЗЕЙИДА

Тошкент шаҳар, Энгельс кўчасидаги 19-ҳовлида республикамизга машҳур овчи Георгий Зиньевич Кольцов истиқомат қилади. Ҳовлида бўрсиқ, андатра, Америкадан олиб келинган яна бир неча хил жонворларни кўрасиз.

Овчининг хонасидамиз. Терисига сомон тиқиб қўйилган айиқлар, оҳу, эчки, тўнгиз, тустовуқ, бургутлар. Бу ерда Ўрта Осиё ҳайвонларининг ҳамма турларини кўриб ҳайратда қоласиз. Эллик олти йил ов қилиб, у қанча ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган.

— Овчилик — иродали, асаби мустаҳкам кишиларнинг касби, — дейди у. Ёшим 60 дан ошди. Чекишни, ичишни ташладим, лекин овни ташлолмаяпман.

Мана, Кольцовнинг устахонакабинети. Стол устида Хива, Бухоро ва бошқа музейлардан келган хатлар. «Бизнинг музейимизга Хоразм воҳасида яшайдиган ҳайвонлардан ва қушлардан кўриқчи қилиб беришингизни илтимос қиламиз» дейилган бир хатда.

«Америка ва бошқа мамлакатларга кўргазма қилиб юбориш учун турли хил каптар турларидан кўриқчи тайёрлашингизни ва тез кунда бизга юборишингизни сўраймиз» дейилган Москвадан келган хатда.

Биз бу буюртмаларни ўқир эканмиз, Георгий Зиньевич биргина овчи эмас, ҳайвонлар дунёсини яхши биладиган тажрибали олим эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Георгий Зиньевич қушларнинг, ҳайвонларнинг қандай ҳаёт кечиришини, беш қўлдай билади. Шу сабабли иттифоқимиздаги ҳамма илмий муассасалардан, ўқув юртларидан, музейлардан, ҳайвонот боғларидан бу киши номига саноқсиз буюртмалар келади.

Кольцов, республикамизда кўриқчи тайёрлайдиган бирорта устахона йўқлиги ва бу касб бўйича мутахассислар тайёрланмаётганини айтди.

Дарҳақиқат, ҳақли талаб. Кўриқчи тайёрлайдиган устахоналар айрим шахсларнинг қўлида бўлмай, уни маиший хизмат ёки илмий иш олиб борадиган ташкилотлар ҳузурида ташкил этиш зарур.

Сирдарё область, «Зверопромхози»нинг ходими, моҳир овчи, Кольцов жуда кўп шогирдлар тайёрлади. У ҳайвон ва қушларни даволайдиган эм топиш йўлида кўп ишлар қилди. Кольцовнинг энг яқин шогирдларидан бири унинг хотини С. Капустянская ва қизи Анядир. Улар ҳам бўш вақтларда Георгий Зиньевич билан ов қилиб, кўриқчи тайёрлайдилар.

Р. ИСҲОҚОВ.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

# ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

## СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Йўл-йўлакай СССРда тўхтаган ва 25 январда Москвадаги Қизил майдонда бўлган Хитой гражданлари ва уларга ҳамроҳ бўлиб келган Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг ходимлари В. И. Ленин Мавзолейини кириб кўришнинг белгиланган ва ҳаммага маълум бўлган қоидаларини қўпол равишда бузиб, тартибсизлик вужудга келтирдилар, бошқа зиёратчиларга халақит бердилар, уларни суриб юбориб, Мавзолейга киришларига йўл бермадилар. Советларга қарши қичқириқлар, шовқин-сурон ва бошқа номуносиб қилиқлар қилдилар. Ҳар бир совет кишиси учун муқаддас ҳисобланган шу жой олдида Хитой гражданларининг иғвогарлик хатти-ҳаракатлари Қизил майдонда бўлган совет кишиларининг ҳаққоний ғазабини келтирди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой гражданларининг ғазабни келтирувчи безорилик ҳаракатлари муносабати билан Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасига қатъий норозилик билдирди. СССР Ташқи ишлар министрлиги СССР территориясида турган Хитой гражданлари ўзларини муносиб тутишлари учун барча зарур чораларни кўришни элчихонадан талаб қилди. Шу нарса қайд қилиб ўтилдики, Совет Иттифоқи территориясида Хитой гражданларининг жамоат тартибини бузмоқчи бўлиб қилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларига мутлақо йўл қўйилмайди ва бунинг оқибатлари учун барча масъулият Хитой томонининг зиммасига тушади.

## ЯПОНИЯДА БАНКРОТЛИК

ТОКИО, 25 январь. (ТАСС). 1966 йилда Японияда 11 мингдан ортиқ компания банкрот бўлди. Уларнинг тўланмаган қарзлари қарийб 305 миллиард иенани ташкил этди. Бу маълумотларни эълон қилган Япония банк уюшмалари федерацияси капитал камида бир миллион иенани ташкил этган компаниялардагина назарда тутади. Майда компаниялар эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда банкрот бўлган компанияларнинг сони жуда ҳам ошиб кетади. Ҳукуматнинг молия соҳасидаги қаттиқ сиёсати банкротликка йўл очиб бераётган асосий сабабдир.

*«Ажойиб санъат, таниш куйлар»*

## ЎЗБЕК АРТИСТЛАРИНИНГ ҲИНДИСТОН ЖАНУБИДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТМОҚДА

Ҳиндистон жанубидаги йирик порт шаҳри — Мадрас газеталари ўтган ҳафтани ҳақли равишда «Совет ҳафтаси» деб атадилар.

Ҳаракат қилувчи таажжубланарли реклама — велосипедларга ўрнатилган ва плакатлар ёпиштирилган стендларда Совет фильми «Солдат отаси»нинг премьераси ҳақида хабар берадилар, Мадрас теннис кортларида рус сўзлари жаранглаб эшитиларди. Бу ерда СССР ёшлар терма командаси билан ҳинд спортчилари ўртасида пинг-понг бўйича ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди.

Бироқ шу ҳафтадаги энг асосий воқеа Ўзбекистоннинг «Баҳор» рақс ансамблининг уч кунлик гастроллари бўлди. Ўзбекнинг «Баҳор» сўзи ҳинди тилида «баҳор» деган маънони англаталиган «Бакхар» сўзи билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Ўзбек рақсларининг мотиви Ҳиндистоннинг традицион хореографиясига яқинлиги, ҳамоҳанглиги, артистларнинг жуда ҳам маҳорат билан чиқишлари ансамблнинг гастролларини чинакам нур, куй ва рақс баҳорига айлантириб юборди.

«Саҳнада ўйинчилар математик аниқлик билан турли ҳаракатлар қилаётган ва ўзбек рақсининг ажойиб усулларини намойиш қилаётган бир пайтда доимо шоду-хуррамлик туйғулари кезиб юрди». — «Баҳор» томошаларидан сўнг Мадрасда чиқадиган «Мейл» газетаси ана шундай деб ёзди. «Ҳинду» газетасининг танқидчиси барча рақс программасининг хореографиясини «ўта ажойиб санъат» деб атади. Газета «Ўзбек қизлари саҳнада тамомила қушлардай парвоз қилишди, уларнинг костюмлари танланиши кишини ўзига маҳлиё қилиб олди», — деб қайд қилади

Мадрас университетининг концерт залида ансамбль чиқишида қатнашган икки мингдан кўпроқ томошабин программанинг ҳар бир номерини ҳаяжон билан кутиб олди. Ўзбек артистларининг чиқишларини анализ қилар экан, газеталар ўз тақризларида ижрочиларнинг зўр маҳорат эгаси эканлигини ва рақсларнинг дид билан саҳналаштирилганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Масалан, «Ҳинду» газетаси танқидчисининг фикрича, «Қўғирчоқ» ҳазил композицияси «хореографик изланиш дурдонаси ва ижрочилик техникасининг энг юқори чўққиси»дир. Ўша газета Равшаной Шарипова ижро этган чўпон рақсини «жуда ҳам лирик, ишонарли ва жозибали» бўлиб чиққан деб атайди.

Мадрас матбуотининг умумий фикрини ифода этиб, «Баҳор» концерт программасининг энг юқори чўққиси ҳақида «Мейл» газетаси Қаҳрамон Дадаев ижро этган доира рақсини «унинг қўлидаги доиралар бамисоли турли тилларда гапираётганга ўхшарди» деб таърифлаганини айтишнинг ўзи кифоядир. Тақриз автори Атри ўзбек рақсларига жўр бўлган куйларда ҳиндларга таниш бўлган куй усуллари ҳам бор эди деб қайд қилади. «Баҳор» оркестри куй чала бошлаши биланоқ, — деб ёзади у, — ҳинд аудиториясининг Совет Ўрта Осиёси ва Ҳиндистон музика маданиятлари бир-бирига қанчалик яқинлигини тушуниб олиши учун бирор секунд ҳам ортиқчалик қиларди.

Атри умуман «Баҳор» программаси тўғрисида ёзаркан, рақсларнинг техника жиҳатидан мураккаблиги ва хореографиянинг жуда ҳам ижодийлигига қарамасдан ўзбек артистларининг жуда ҳам аниқ, енгил ва ҳушчақчақ чиқишлари катта таассурот қолдирганини таъкидлайди.

«Кимки ҳозирги замон аудиториясини халқ рақслари билан таништирмоқчи бўлса, бу рақсларни қизиқарли, лекин ўз даврини ўтаган анахронизм сифатида тасвирлайман деб тез-тез нуқсонга йўл қўяди, — деб қайд қилади пировардида ҳинд танқидчиси. — Ўзбек артистларининг концерти шуни кўрсатдики, Совет Иттифоқида халқ санъатининг чашмалари ҳали ҳам одатдагидек отилиб турибди. Худди Совет Иттифоқининг бепоён бурчакларида яшаётган кўплаб этник группалар ягона оилага бирлашгани каби Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа кўпгина республикаларда вужудга келган бу чашмалар ҳам умуммиллий санъатининг ягона қудратли оқимига келиб қуйилади».

В. СИМОНОВ,
АПН мухбири.
Деҳли — Мадрас.

## «ТЕСКАРИ ЭСКАЛАЦИЯ»

ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

Американинг Жанубий Вьетнамдаги қўшинлари қўмондони генерал Уэстморленд бундан бир йил муқаддам Сайгон армиясининг аҳволи ва унинг узоқ давом этадиган урушда жанг қилиш қобилиятини ўрганиш тўғрисида ўз штабига буйруқ берган эди. Америка маслаҳатчилари Сайгон қўшинларининг жасоратлари ҳақида деярли ўн йилдан бери оғиз кўпиртириб кўтариб юрган доклади шунчалик пессимистик бўлиб чиқдики, Вьетнамдаги агрессия бўйича «иттифоқчиларда» жигар касали кучайиб кетмаслиги учун бу докладга дарҳол «маҳфий» деган белги қўйилди.

Лекин, америкалик калта шинелликларнинг бундай маҳфий ҳужжатлари аллақачон бутун дунёга маълум бўлиб қолган. Вақт уларга фақат янги аниқликларнигина киритмоқда. Ана шулардан айримлари Сайгоннинг доимий армиясида «юксак» маънавий руҳ ва «жанговарлик» борлигини жуда ҳам кўзга ташланадиган бўёқлар билан тасвирлайди. Масалан, эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили Жанубий Вьетнам дивизияларидан 117 минг дезертир дом-дараксиз йўқолиб кетган. Жанубий вьетнамлик каллакесарлар амалга ошираётган «тескари эскалация» янада кучлироқ суръатга эга бўлмоқда: 1965 йили Сайгоннинг муқаддас хоругвейи (қўшинлар байроғи) назорати остидан «озод дунёдан» «бор-йўғи» 96 минг киши қочган эди.

Агар дезертирликнинг ҳозирги суръати шундай сақланиб қоладиган бўлса, яъни кеча олти кишидан бири, бугун ҳар беш солдатдан биттаси қочаверадиган бўлса, тахминан 600 минг кишидан иборат қўғирчоқ армия тез муддатда бор-йўғи 22 қуролли кишиси ва 2 та ити бўлган Лихтенштейн князлигининг қуролли кучлари каби жуда ҳам ноёб кўринишга эга бўлган бўлур эди.

Бу анъана «вице-маршал» Ки учун жуда ҳам ноқулай аҳволдир. У протокол тартибини ўрнатиши лозим бўлиб қолади. Чунки шундай қилганда ҳам ҳатто комендантлик қоровули ротаси учун ва Америка бўлинмаларига бошчилик қилиб келган генераллар ва полковникларга салют берадиган одамлар топилмай қолади. Бироқ, иккинчи томондан, сайгонлик интендантларга яхши бўлиб қолди. Улар жанубий вьетнамлик солдат учун ҳар куни берилаётган 20 центдан маблағни осонгина ўзлаштириб олавередилар. Чунки америкалик хўжайинларга ўн минглаб нонхўрнинг қочиб кетаётгани ҳақида ҳа деганда ахборот бериб турилмайди-да...

Шу йиллар давомида қочоқларнинг ўрнини тўлдириш учун Сайгон ҳукмдорлари ва уларнинг Пентагондаги ҳомийлари ақлни пешлаб иш тутишмади: қочоқлар ушланиб яна қўлига қурол ушлатиб қўйилаверди. Бироқ, жанговарлик руҳи бу билан юксак бўлиб қолмади. «Иккинчи марта ёлланганлар» яна қочиб қолиш пайига туша бошладилар.

Шунда психологик урушнинг пентагонлик алхимиклари шундай элексир (оби ҳаёт) топишга қарор қилдиларки, унинг ёрдами билан қўғирчоқ дивизияларидаги ахлоқни анча кўтариш кўзда тутилган эди. Бундан ташқари эврика ҳам вужудга келди! «Нью-Йорк таймс»нинг Сайгондаги мухбири Р. У. Эппл бу янгиликдан бутун дунёни хабардор қилди. «Сайгон армияси — АҚШ учун жуда оғир проблема» деган хабарида у шундай деб ёзди: «... Одатдан ташқари оғир вазифани — Жанубий Вьетнам армиясини ўзининг энг суст жойларини бартараф эта оладиган қилиб қайта ўқитиш вазифасини амалга ошириш бошланди».

Тўғри, деб таъкидлашга мажбур бўлади мухбир, «.... бу ердаги кузатувчилардан кўпчилигининг Вьетнам армиясида қадимдан давом этиб келаётган сусткашлик, товуқларни ўғирлаш (биринчи қарашда бу жуда кичик нарса-ю, бироқ у минглаб қишлоқ аҳолисининг ҳукумат қўшинларига нафратини қўзғатади), шунингдек сотқинлик қилиш каби одатлар ана шу курсни ўтгандан кейин йўқолиб кетади деган гапларига ишониш қийин... Офицерлар ўзларининг мутахассислари ва Америка мутахассисларининг «Аҳлоқнинг ҳурматига, ишончига ва қўллаб-қувватлашига қандай сазовор бўлиш мумкин» ва «Революцион тараққиётга ёрдам тариқасида медицина хизмати» каби масалаларга бағишланган лекцияларини тинглайдилар.

Шундай қилиб, Жанубий Вьетнам товуқтутарларининг ахлоқини кўтариш учун лекциялар. Айтишларича, бу соҳада бундан 25 йил муқаддам тажриба орттирган ва ҳозир Ҳинди — Хитой ярим оролида «қўл уриш» жойларини қидириб юрган Ғарбий Германия каллакесарлари катта ҳисса қўшишлари мумкин.

Иккинчи мавзуга келадиган бўлсак, медицина хизматида чет мамлакатлардан келтирилган лекторларсиз ҳам ҳамма нарса тушунарли.

Генерал Уэстморленд ва унинг «ассистентлари» даволанмай қолган сайгонлик беморни оёққа турғизиш учун уринаётиб, истаган дори-дармонларга, ҳатто кинналарга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Улар жон-жаҳдлари билан «қайта ўқитишлари» ва «ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишлари мумкин». Бироқ, буларнинг ҳаммаси мурдани ҳаммомга олиб кирган билан баббаравар. Оммавий тусда дезертирлик касалини даволаб бўлмайди. Чунки уни Вьетнам халқининг агрессорларга — янкиларга ва унинг сайгонлик қўғирчоқларига бўлган нафрати келтириб чиқаргандир.

И. СИНИЦИН.
(АПН).

## БЕМАЪНИ ТАЛАБЛАР

БОНН. (ТАСС). Ғарбий Германиядаги энг катта реваншчи ташкилотлардан бири бўлган «Судет немислари уюшмаси», Мюнхен битимини «ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаб бўлмайди» ва бу битим «ўз кучини сақлаб қолади» деган гапни яна такрорлади.

Гитлерчилар Германияси шу битимга мувофиқ, Чехословакияни босиб олган эди. Аммо бу битим реваншчиларнинг «ватанга эга бўлиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» тўғрисидаги талаблари учун шу битимни ҳанузгача «ҳуқуқий асос» деб даъво қилиб келмоқдалар.

## ИРҚЧИЛАРНИНГ ҲУКМИ БИЛАН

НЬЮ-ЙОРК, 25 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Преториядан хабар беради: кейинги йил ичида Жанубий Африка Республикасида 122 африкалик ўлим жазосига ҳукм қилинди. Жанубий Африка Республикасида ўлим жазосига ҳукм қилинган африкаликлар сони 1965 йилдагига нисбатан 50 процент ортди.

## ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

ЛОНДОН, 25 январь. (ТАСС). «Морнинг стар» газетаси бугунги сонида хабар беради: «парламент аъзоси лейборист Д. Энсор Англия ҳукуматига мурожаат қилиб, «Европада тинчлик ўрнатиш манфаатлари йўлида Германия Демократик Республикасини таниш»ни талаб этди. Энсор газетада босилган суҳбатида Европадаги сиёсий вазиятга реал баҳо беришни истамаётганлиги учун ҳукуматни танқид қилади. «Европа ва бутун дунёдаги тинчлик, — дейди у, — Германия Демократик Республикасини мустақил суверен давлат сифатида танишга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигига шак-шубҳа йўқ». Энсор бош министр Г. Вильсонга бериладиган талабномани умум палатасига тақдим этди. Энсор ҳукуматни Германия Демократик Республикасини танишдан воз кечиб келаётганлигига хотима беришга чақиради.

Америка агрессорлари Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханой ва республиканинг бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларини ваҳшийларча бомбардимон қилмоқдалар. Қўшма Штатларнинг самолётлари ажал юкини пўлат ва темир-бетондан қурилган ҳарбий объектларгагина эмас, балки мактаблар, уй-жойлар, болалар муассасалари ва касалхоналарга ҳам ташламоқдалар. Суратда: Ханойнинг Донг Да районидаги студентлар ётоқхонаси бомба ташлангандан кейин.

ВИА—ТАСС фотоси.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

## РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар, 9.30 — Музикали танаффус, 10.10 — Концерт (баянчилар ижросида), 11.10 — «Сиҳат-саломатлик» (радиожурнал), 11.30 Дуторчи З. Обидов чалади, 12.15 — Спорт, 12.30 — Қўшиқ ва рақслар, 12.50 — «Тахиатош гидроузелининг келажаги» (рус.), 13.30 — Дўстларимиз эстрадаси, 16.10 — Қардош республикалар музика маданияти. Роза Жаманова куйлайди, 17.00 — Қўшиқлар ва йиллар (Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан музикали эшиттириш), 18.10 — Қўшиқлар (меҳнат ҳақида), 18.30 — Қўшиқлар (Тошкент ҳақида), 19.20 — Социалистик мамлакатлар халқларининг куйлари, 20.00 — «Беш йилликнинг иккинчи йили марралари» (рус.), 20.10 — Музикали Тошкент, 20.45 — «Социализм қурилишини тугаллаш даврида партия» (суҳбат), 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — «Вальс мамлакатига саёҳат» (музикали ҳикоя), 22.40 — Шонли 50 йил. Ҳамид Олимжоннинг илк ҳикоялари, 23.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимларининг талабига мувофиқ).

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси, 18.00 — Кислород — ҳаёт (болалар учун).

Рус тилида: 18.20 — Телевизион янгиликлар, 18.35 — Соғлом ва бақувват бўлиш учун (Спорт эшиттиришлари), 19.05 — Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлар санъати (Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан).

19.35 — Эртанги кун программаси.

Ўзбек тилида: 19.40 — Телевизион янгиликлар, 19.55 — Экономикани ўрганамиз (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 20.10 — Устоз санъаткорлар (талабаларга мувофиқ Ҳожи Абдулазиз Абдурасулев ҳақида музикали суҳбат), 21.10 — Лайли ва Мажнун (А. Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан), 21.40 — Кино янгиликлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси, 18.00 — Қаҳрамонлик эпопеяси (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — Чизма геометрия (сиртдан ўқиётган студентлар учун ўқув программа), 19.50 — Телевизион янгиликлар.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/I да Флория Тоска, 28/I да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/I да Сарвқомат дилбарим, 28/I да Оқ кабутар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/I да Ватан ишқи, 28/I да Гули сиёҳ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28,29/I да Ўзбекистон ва Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Комилжон Отаниёзов раҳбарлиги ва иштирокида Хоразм ансамблининг концерти.

МАХСУСЛАШТИРИЛГАН «УЗСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИГА

Тошкент, Янгиер, Гулистон шаҳарларида ишлаш учун механизациялаштирилган колоннага:

Бошлиқ ва ПМК бош инженери, монтаж участкаларининг бошлиғи ва прораби вазифаларига сантехника ва газмонтаж ишлари билан таниш инженер ҳамда техниклар;

вентиляция ишларига слесарь-сантехниклар, техника таъминоти идораларига бош бухгалтерлар, трест аппаратида ишлаш учун бухгалтер-ревизор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-100, Педагогика кўчаси, 75-уй, кадрлар бўлими, телефон 5-10-65.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

тайёрлов курсга 7,8,10,11-синф ҳажмида маълумоти бўлганларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 41, Бабушкин кўчаси, 4-уй; Аляцкий кўчаси, 152-мактаб.

ИРРИГАЦИЯ АСБОБЛАРИ ЗАВОДИГА

слесар-монтажчилар, ремонтчилар, электр монтёрлари, юнчилар, токарлар, автокранчилар, шофёрлар, экскаватор кранчилари, норматив текшириш лабораториясига бошлиқ, старший инженер ва инженер, қурилиш ва техника назорати бўйича инженер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область. Бектемир посёлкаси, Янги ҳаёт кўчаси, 27-уй, кадрлар бўлими.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А—23. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01532.